



Муайян вокелик, шуурда шаклланган чакмоқдек хаяжон, кутилмаган туйгулар хосиласи шеър бўлиб тугилиши мумкин. Аммо, шу тугилган шеър шоир калб дардининг огрикли мевасими, ўй ва хаёлнинг эстетик натижасими ёки кўрган-кечирган хаётий тажрибаларининг йигма поэтик хулосасими, бу ижод жараёнининг ўзига хос сеҳрли олами. Яна бир жихат, муайян лирик кечинма баркарор адабий формулалар негизида коғозга тушади. Масалан газал, мураббаъ ёхуд мухаммас ёзиш учун шоир эркин бўлолмайди. Сабаби, мумтоз лирик турларнинг маълум коидаси борки, муаллиф ушбу коидадан четлаша олмайди.

Шунингдек, мумтоз шеъриятга издошлик ришталарини боғловчи мунтазам мезонлар ҳам бор. Тазмин, татаббу, мусаммат турлари, муайян радиф асосида ўхшатма газаллар ёзиш, пайравлик ва бошқалар бир байт ёки бир газал таъсирида яратилади. Булар орасида энг мураккаби тахмис боғлаш анъанасидир. Сабаби, тахмиснинг асоси кўпинча бундан аввал, эҳтимол, тўрт-беш аср олдин ёзилган, табиийки унинг тили, вазни, радифи, ифода воситалари ҳам ўша замон рухига хос ва мос равишда яратилган. Аммо, ўша газал гоёвий кўлами билан хозирги замон шоири наздида ҳам жуда муҳим, ҳатто уни тўлдириш, ривожлантириш эҳтиёжлари бисёр. Худди шу эҳтиёжлар ижодкорни ўша газал муаллифи билан ижод майдонида учрашишга даъват этади. Шу асноста, ижод жараёнида муаллиф улуг сўз даҳосининг рухидан мадад олади, унинг ижодий меросига, айниқса, газалиётига айрича эҳтироми самараси ўларок, ўз холида ҳам тугал маъно ифодаловчи газални янада ривожлантиради.

Шу нуктаи назардан караганда, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг Навоийнинг “Аввалгиларга ўхшамас” ҳамда Огахийнинг “Устина” газалларига боғлаган мухаммаслари муҳимдир.

Хусусан, “Аввалгиларга ўхшамас” мухаммаси Навоий байтлари билан мустаҳкам боғланиб, умумий фикрнинг салмоғини намоён этади:

Бул жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир хужраким,
Вах! Куёш савдосига шамлар нечук бўлди ҳақим,
Ишк бу – ўз умрим анга нечун касамлар ичмаким,
Демангиз Ширину Лайли онча бир ишк ичраким,
Хўблиқда ул санам аввалгиларга ўхшамас.

Банддаги “бирла”, “хужра”, “савдосига”, “нечук”, “хаким”, “анга”, “ичмаким” сингари ифодалар айна Навоий даври лексик катламига мансуб сўзлар бўлгани учун мухаммасни тугал даражага кўтарган. Зеро, мухаммас бошдан-оёқ шу услубда – тарихий атамаларни кенг микёсда қўллаш услубида ёзилган. Омон Матжоннинг бирор-бир мисраси ёки бирор-бир сўзи ўз мохияти билан газал нафосатига зиён етказмайди, аксинча, шоир қўшган мисралар ипдаги маржон шодаларини кўпайтиргандек Навоий байтларини тўлдиради. Масалан, юкорида ўқиганимиз учинчи банддаги Навоий мисраларида маъшуканинг “ишк ичра” Ширину Лайлидан фаркланиши, “хўблик”да эса, у ўзигача бўлган санамларнинг бирортасига ҳам ўхшамаслиги таъкидланса, Омон Матжон ана шу тенгсизликнинг сабабини яхши билгани учун “нечун касамлар ичмаким”, дейиш билан тўла асослайди. Аммо, бу асос ундан аввал келадиган ижтимоий-фалсафий гоёлар билан мустахкам боғланиб, янада гўзал ва кўркем тасаввур хосил килади. Тўртинчи бандда шоир фалакка мурожаат этиш йўли билан, ундан ўз аламини, айна пайтда, Навоийнинг хажр азобида чеккан изтиробини бартараф этишни сўрайди. Чунки, маъшука хажр азобида кийнашдан ташқари, энди бевафолик расмини тутиб, ошкор хиёнат йўлига ўтади, яъни, бошка ёр билан учрашишга журъат килади. Тахмис боғловчининг Навоий овозига жўр бўлиб: “Ўлмишамким бу алам...”, деб нола чекиши, лирик кахрамоннинг чексиз азоб ва изтироблар исканжасида эзилган сўлгин киёфасини кўз олдимизда тўла намён килади. Кейинги бандда мантик иплари янада мустахкамлана боради. Дастлаб, маъшуканинг ишк ичра Ширину Лайлидан фаркланиши, “хўблик” (гўзаллик)да ҳам аввалгиларга ўхшамаслиги каламга олинган бўлса, энди, ошиқнинг ҳам ишк аро Фарход ила Мажнунларга ўхшамаслиги, у илохий шаробдан сархушлиги – Бодайи Хак масти экани, шу боис, илохий хажр азобида кийналаётгани, ўз истикболига ёруг гўшалар тилаши ички хайкирик ва чексиз хаяжон охангида жаранглайди:

Она Шарк тожин кюр! Зулматда ушлатманг мени,
Бодайи Хак мастиман, ёлгонга уйготманг мени,
Ўз хаёлимга кўйинг, ўзгага ишлатманг мени,
Ишк аро Фарход ила Мажнунга ўшатманг мени
Ким бу расвойи дажам аввалгиларга ўхшамас.

Тахмис боғловчи, одатда, анъанага мос равишда сўнги бандда ўз тахаллусини қўллаши лозим. Бу билан тахмисчи ким экани ойдинлашади. Бугина эмас, тахаллус айна мухаммас ёки унинг сўнги бандидаги гоё билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. “Омон”ни гоёвий асосга йўналтирмаслик асарнинг бадий нафосатига соя солиши мумкин. Шоир худди шу сунъийликдан кочиш эвазига тахаллус эмас, иттифок санъатидан мохирона фойдаланади. Бу санъатнинг ўзига хослиги шундаки, у шакл жихатдан бир томондан ўз расмий маъносида ишлатилади, шу билан бирга, асар муаллифининг адабий тахаллусига ёки исмига ҳам ишора килади. Шу боис, у хамиша кичик харф билан ёзилади. Омон Матжон мухаммасда ижтимоий хаётда аввалгилардан тубдан фарк келадиган тушунчаларни бадий тавсифлар сирасида ифодалайди.

Омон Матжон Навоийнинг етти байтли газалини етти бандли мухаммас холига келтирган. Мухаммас жуда равон ўкилади. Унда ишкий, ижтимоий сиёсий ва фалсафий гоялар Навоий услубига хос юксак поэтик мушоҳадакорликда баён қилинган. Тахмисчи ҳам Навоийёна бадий тасвир усулларини қўллашга эришган. Мажоз, ташбеҳ, тазод, тажнис, талмех, хитоб, иттифок ва бошқа ўнлаб тасвирий воситалар мухаммаснинг ички муסיкийлигини, ўзига хос поэтик меъёр ва маромини таъминлашга хизмат қилган. Мухаммас ана шундай поэтик санъатлари билан ҳам ибратлидир.